



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI



SURXONDARYO VILOYATI XALQ TA'LIMI
XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING
MALAKASINI OSHIRISH HUDUDIY MARKAZI

ZAMONAVIY JAMIyatda FAN VA
TA'LIMNING RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI: MUAMMO VA
YECHIMLAR

XALQARO ONLAYN ILMITY-AMALIY

KONFERENSIYA
MATERIALLARI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ХУДУДИЙ МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ФАН ВА ТАЪЛИМНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ОНЛАЙН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
(2021 йил 19 октябрь)**

**MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
ONLINE CONFERENCE ON TOPIC
“PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND
EDUCATION IN MODERN SOCIETY: PROBLEMS AND SOLUTIONS”
(october 19, 2021)**

**МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ
«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В
СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ»
(19 октября, 2021 г.)**

ТЕРМИЗ – 2021

Ушбу тўпламдан халқаро таълим тизимида математика, табиий ўйналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача ва бошланғич таълим мининг илғор миллий ҳамда хорижий тажрибалар билан қиёсий таҳлили, халқаро баҳолаш дастурларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш ва унинг асосида таълим муассасалари учун тавсиялар ишлаб чиқиш, таълим олувчиларни халқаро баҳолаш дастурларида самарали иштирок этишларига психологик тайёрлаш масалаларига доир мақола ва тезислар ўрин олган.

Масъул мухаррир:

Умарали Қодиров – Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор в.б.

Таҳрир ҳайъати:

Илҳом Ҳожибоев – ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринbosари

Бахром Умаров – “Тилларни ўқитиши методикаси” кафедраси мудири

Ойгул Бердиева – “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Комил Авазов – “Ижтимоий-иктисодий фанлар методикаси” кафедраси мудири, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Абдуназар Саломов – “Мактабгача, бошланғич ва маҳсус таълим методикалари” кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Ханифа Бердиева – “Амалий фанлар ва мактабдан ташқари таълим методикаси” кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди

Марҳабо Мамадалиева – “Педагогика, психология ва таълим технологиялари” кафедраси мудири

Замира Сафарова – “Тилларни ўқитиши методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Сайфулла Турсунов – Термиз давлат университети кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

Маманазар Жумаев – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Бошланғич таълим фанлари” кафедраси профессори, п.ф.н.

Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази илмий-методик кенгашининг 2021 йил 15 октябрда ўтказилган навбатдан ташқари 4/1-сонли ийғилишининг қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг савияси, сифати ва илмий далилларнинг ҳаққонийлиги ҳамда мазмуни учун муаллифлар масъулдор.

Ўлум ичра минг то бўлди мадҳал
Топилмас мушкуле мен қилмаган ҳал,

каби мисраларда жаранглаган овози одам ақли, фикр-заковатига берилган баҳодир. Ҳақиқатан ҳам шундай. Одам ақли етмайдиган, одам ҳал қила олмайдиган бирорта ҳам мушқул иш йўқ. Дарҳақиқат, асримиз кибернетика, космос, осмон жисмлари инсон измига бўйсунган, автоматика, фан ва техника юкори даражада тараққий этган асрдир. Демак, Фарҳод тимсолида олға сурилган ғоя туфайли ўқувчиларга инсон қудрати ва ақл фаросатига нисбатан муҳаббат ҳамда уни тарбиялаш йўллари ҳақида билим ҳосил қилинади. Бу билим ўқувчиларни тарихий фактларни ўрганиш, уларни ўзи яшаб турган замонига татбиқ этиш, улардан ўз ўрнида фойдаланишга ундейди. Тарихий фактларга дуч келиш, улар билан тўқнашиш ва уларни ўрганиш йўлидаги ҳаракат ўқувчиларни ижодкорликка, мустақил хулосалар чиқаришга жалб қиласди.

Адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллий ғоямизнинг пойдеворидир. Тошкент-2021 “Тасвир нашриёти”.
3. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1997. - 256 б.
4. Тўрақулов Э., Рахимов С. Абу Райхон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. - Т.: Ўқитувчи. 1992.- 80 б.
5. Йўлдошев Ж.Ф., Хасанов С. Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар. – Т.: Ўқитувчи, 1992.- 28 б.

НАВОИЙ НАЗДИДАГИ КОМИЛ ИНСОН

*Гулова Аноргул Ахтамовна,
Бухоро давлат университети
“Миллий гоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада улуғ файласуф Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари баён қилинган.

Таянч сўзлар: комил инсон, олийжсаноблик, очиқ кўнгиллилик, одоб, қаноат, вафо.

Аннотация: В статье изложены взгляды великого философа Алишера Навои на прекрасный человек.

Ключевые слова: идеальный человек, благородство, открытость, порядочность, довольство, верность.

Annotation: The article describes the views of the great scientist Alisher Navoi on perfect man.

Key words: perfect man, nobility, openness, decency, contentment, fidelity.

Ўрта асрларда ўзига хос фалсафа сифатида шаклланган тасаввуф ва тасаввуф адабиёти Шарқ халқлари маънавиятини юксалтиришда муносиб ўринни эгаллаган бўлса, уларнинг дувруғини дарвеш, сўфий, солих, фақир ва ориф каби тимсоллар дунёга ёйган.

Хожагон тариқати мутасавифлари асарларини таҳлил қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, ориф Аллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифатдан мукаммал хабардор солик. Борлиқда фоний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирик юрмоқ орзуси или яшаш туфайли орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдилллик кўзга чалинмайди. Ориф мушоҳада юритаркан, Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирова, кудрат сингари сифатларини теран идрок этиш ёки ўзлаштириш билан чекланмайди, балки бутун коинот, борлиқ ва оламнинг сир-асрорларидан ҳам чуқур огоҳликка етишади. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, “валийлик ишоратларини англамоқ” учун давомли ва сокин бир назар билан Тангри даргоҳига талпинади. Ориф – илоҳий файз одами⁴⁸.

Шайх Абу Сайд Абул Ҳайрга сўфийлик нима, дея савол берилганида, у: “Қўлида бор нарсасини ўзгаларга бағишлиш, бошдаги бор номақбул фикр-хаёлларни ташлаш ва бошга нима (қийинчиллик) тушса — чидаш”, — деб жавоб берган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, агар бадавлат бир мусулмон мол-мулкининг қирқдан бирини, яъни икки юз дирҳамдан беш дирҳамни закотга берса, сўфий ориф 205 дирҳамни закотга (камбағалларга) беради.

Демак, шариатда бойликнинг қирқдан бири закот қилиб бериладиган бўлса, тасаввуф тариқати вакили қўлида бор мулкни кишиларга эхсон қилиб, ўзи хокисорликда, камбағалликда умргузаронлик қиласди. Гадо ва дарвеш ўртасидаги фарқ ер билан осмонча бўлиб, гадо қорин тўйғизиш илинжида юрган пастҳиммат, ор-номусдан йироқ тиланчи бўлса, сўфийнинг дарвешлиги онгли-ихтиёрий саъ-харакат натижасидир. Дарвешлик — унинг эътиқоди, у тариқат маслагини қабул қилиш баробарида, шу йўлда жонини, борлигини баҳшида этишга тайёр.

Ўзини Ҳақ йўлига бағишлиб, дунёдан юз ўтирган; бойлик, олтин-жавоҳирга беписанд қараб, инсоний шаъну шараф, ҳикмат ва маънавий ганжинани хар қандай зару зевар, сарвату маснаддан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли дарвешнинг тиланчилиги (толиблик) Илоҳ жамолига етишиш, ғайбнинг сиру асрорини қашф этиш учун тинмай изланиш, руҳни имтиёзлантириб, яйратиб боришидир⁴⁹.

Ҳазрат Навоий кўпгина асарларида сўфий дарвешлар, орифлар тимсолинигоҳ мажозий тимсоллар орқали, гоҳида реал шахслар мисолида тасниф этади. Сўфий шоир “Насойим ул-муҳаббат” ва “Лисон ут-тайр” асарларида турли шайхларнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳикоятларни келтириб, орифударвешлар сийрати, хулқ-атвори, илоҳийлик сифатларини тасвирлайди.

Орифларга хос сифатлар саналган тавозеъ, ҳилм, қаноат, сидқу сафо, бошига тушган ҳар қандай кулфатларни синов дея қабул қилиб, доимо, Аллоҳ ҳукмига

⁴⁸ “Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида республика миқёсидаги илмий– назарий анжумани материаллари. Бухоро. 2020. 49-б.

⁴⁹ Комилов Н. Тасаввуф. Т.: “Мовароуннаҳр” – “Ўзбекистон”, 2009. 162-б.

розилиқда яшаш каби нажиб хислатлар тұғрисида соф тасаввуфий асар ҳисобланған “Насойим ул-мухаббат” мұқаддимасыда әхтирос билан ёзади. Ҳазрат Навоийнинг хulosавий асари бўлган “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳам дарвешлар ахлоқи масаласига алоҳида ёндашилган.

Танқидий руҳда ёзилган асарда дарвешларга бағишлиңган қисм ва фасларда салбий таърифлар эмас, аксинча ижобий сифатлар баёни, тұғрироғи тасаввуфий ғоялари таҳлили асосий ўринни эгаллайди.

Маълумки, асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида турли ижтимоий табақалар ахлоқи ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинса, иккинчи қисмида дарвеш ва орифлар хулқ-авори, тариқат талаблари тұғрисида сўз боради. Асарнинг учинчи қисми эса “танбех”лардан иборат бўлиб, унда инсонни залолат ботқоғига элтувчи турли нуқсонлар қаламга олинади.

Биринчи қисм қирқ фаслдан иборат бўлиб, унинг қирқинчи фасли “Дарвешлар зикрида” деб номлаган. Мазкур фаслда дарвеш, ринд (“харобот аҳли”) ижтимоий тоифалар сифатида талқин қилиниб, шу каби фирибгар, риёйи шайхлар жамиятда шаклланиб қолган бир заарли унсурлар сифатида қаттиқ танқид қилинади.

Тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга чанқоқ юракни маълум даражада тинчтишга кўмак берган. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожи реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга оқизлик қиласади. Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ: инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмолнияти орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқлиқдир. Навоий ақлу-заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида нафс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машхур бўлганларини кўп кўрган эди. Шунинг учун улуг гуманист шоир ахлоқни — фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўярди, бу ҳам тасаввуфона мурожаат этишга олиб келарди. Зоро, тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиқсан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзмайоз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди⁵⁰.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг биринчи қисмида “Дарвешлар зикрида” деб номланған фасл мавжуд бўлиб, унда Навоий дарвеш ҳақида қуйидаги фикрларни баён қиласади: “Дарвеш улдурким, бўлғай ризоандеш, агар ичида бўлса юз неш, тоши бўлғай марҳамойин ва маломаткеш. Дарвеш керакким сидқу фано тариқин тузгай ўзин нечукки бор, андоқ кўргузгай. Аноният ғилзатига қаттиқ риёзатлар била сафо бермиш бўлғайва нафсоният шиддатидин азим мужоҳидалар била чиқиб, фарқ тариқига кирмиш бўлғай ва фано доруламони жамоатхонасиға етмиш бўлғай. Ҳиммати назарига мосивуллоҳи номавжуд, балки Вужуди мутлақдин ўзга барча нобуд. Ичи тоши била мувофиқ, балки ортиғроқ, ботини зоҳири била мусовий, балки ёруғроқ. Агар зоҳирида ботин ихфоси учун кўрунса, андин муроде бўлса маломаткашлик. Ботини софи-зоҳир тиyrалиги кони мунофий. Дарвеш тўни

⁵⁰ Комилов Н. Тасаввуф. Т.: “Мовароуннахр” – “Ўзбекистон”, 2009. 159-б.

йиртуқ андоқтуурким, ганжи макони бузук. Сапо аҳли жаҳонда андоқтуурким, Фаридун ганжи вайронда.

Маъни аҳли ҳақиқати маҳфий ва сурат аҳлининг даъви ва даъвати ҳақиқатда бемаъни. Эронлар ҳоллари суратин ёшурубтурлар ва маломат суратида наъли бозгуну урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар ва ботинлари асосин тузубтурлар. Қазодин не келса, ўзларин ризога ёсобтурлар ва олам аҳлининг қаттиқ ранжу ирик маломатига чидабдурлар. Емак — ичмақдин кечибдурлар, Ҳақ ризосин истарда ғам еб ва кон ичибдурлар. Ризову таслим зовияси — мақомлари, фано бодиясида оромлари. Адабу тавозеъ аларға кеш, душману дўстига некандеш. Бу сифату ойин била бўлғон эрур дарвеш⁵¹.

Мазмуни: “Дарвеш шундай одамки, Худо ризолиги билан унинг фикру зикри, доимо, банд бўлади, ичида юз дард мавжуд бўлса ҳамки, ташқи кўриниши малҳам сингари юмшоқ (ва шифоли) бўлади, у кишиларинг таъна-маломатига эътибор бермайди. Дарвеш садоқат ва фано йўлини танлаган, ўзини борича намоён қиладиган кишидир. У кибр ғализликларини кучли риёзатлар билан тозалаб, (кўнглини) поклаган ҳамда дунёвий нафсни қаттиқ курашишлар орқали маҳв этиб, факрлик йўлини танлаган ва фанонинг хавфу хатардан холи жамиятига етган одам бўлсин. Унинг ҳиммати назарида дунёдаги жамики ғам-ташвиш ва хазиналар арзимас, йўқдай бўлиб намоён бўлса, балки, Мутлақ вужуд (дарвеш учун Парвардигордан бошқа вужуд мутлақо кўринмаса. Зоҳири ботини билан ҳамоҳанг, балки ботиний дунёси ортиқроқ, бўлса, балки ботини нури ёруғроқ, чақнаса. Модомики, ташқи дунёсида ички дунёсининг хавфи учун нимадир намоён бўлса, бу унинг маломаткашлиги мақсади учун бўлса, ботиннинг сафоси зоҳирининг зулматини рад қиласди.

Дарвеш тўнининг йиртиклиги, худди, олтину жавоҳир яширган маскан хароба бўлганидай гапдир. Сабаби шундан иборатки, сафо аҳлининг дунёдаги ўрни, шоҳ Фаридун хазинасининг вайrona жойда беркитиб қўйилганлиги кабидир. Шундай экан айтиш мумкинки, маъни аҳлининг сирлари яширин ва аксинча, сурат аҳлининг кибрга берилганлиги ва даъватлари аслида бемаънидир. Сўфийлар (мардлар) суратларини пинҳон тутадилар ва маломатий тарзида тескари муҳр уриб, ташқи дунёлари биносини вайрон қилиб, ички дунёлари пойдеворини тўғрилабдирлар. Улар бошларига тушган ҳар қандай мусибатга розидирлар ва атрофдаги кишиларнинг қаттиқ, ранжу азобига, таъна-даштномларига бардош қиладилар. Улар ортиқча еб-ичишдан қатъий равишда ўзларини тийиб, Оллоҳ ризолигига мушарраф бўлиш учун ғаму-андухга мубтало бўлиб, қон ютадилар. Шунинг учун дарвешларнинг мақомлари — ризо ва таслим, ҳордиқ чиқарадиган масканлари — фано чўлидир. Адаб ва тавозеъ, дўсту душманга бирдек эзгуликраво кўриш уларнинг одатлари. Демак, дарвеш мазкур сифат ва қоидалар билан безанган кишидир.

Ҳазрат Навоийнинг дарвеш сурат ва сийратига берган таърифи шу қадар бирбирига мантиқий боғлиқлиқда берилганки, агар биз дарвеш сиймосини давлатга қиёсласак, ушбу баённома, худди, ўша давлатнинг харитасидек гавдаланган.

⁵¹ Алишер Навоий. МАТ, 14-жилд, 46-47-бетлар.

Ҳар бир жумлада орифга хос бўлган маълум бир фазилат баён қилиниб, мазкур хислатлар маржондай кетма-кет тизилиб, бир-бирини тўлдиради ва изоҳлайди.

Хусусан, Тангри таоло томонидан белгиланган тақдирга розилик ва маломатийлик дастлабки жумлада, фонивашлик навбатдаги жумлада, риёзат билан покланиш, тўртингчи жумлада факт мақомини қўлга киритиш, бешинчи фикрда эса Мутлақ вужуд томон саъй-ҳаракат қилишда буюк ҳимматни намоён қилиб, йўқлик дунёсидаги барча оворагарчиликлардан йироқ бўлиш, зоҳирий ва ботиний оламнинг бир-бирига мутаносиблиги ҳамда ботиний оламдан тараалаётган нур кишилар қалбига нури илоҳий тухфа этиши ҳақида фикр билдирилади.

Ҳазрат Навоий учун ориф хулқ-атвори бу – унинг зоҳиран намоён бўлиши, кийиниши эмас, аксинча, унинг илоҳий хислатларни қанчалик қўп ўзида сингдиргани, инсонларга фойдаси тегадиган яхши амалларни ўзида жо қилганлигидир. Навоий учун дарвеш Худо йўлида жамики мушкулотларга сабр қиласидиган, дўсту душманни баробар билиб, офтоб каби сахий кишидир. Сўфий шоир таъкидича, дарвешман деб кўкрак керадиган киши, аслида, дарвеш эмас, аксинча, у кибру ҳавога берилган одамдир. Дарвеш одоб ва камтаринликда башар аҳлига ибрат вазифасини ўтамоғи даркор. Шундагина у ризо ва таслим, фано ва тамкин даражаларига етишади.

Маълумки, маломатия оқими вакиллари ташқи кўринишларини харобот ҳолда қўрсатиб ва ҳатточи, кишилар уларни маломат қиласидиган даражадаги ҳаракатларни қиласидилар. Мазкур ҳаракатлари ортида “Ҳалқ бизни қанча маломат қилса, биз Ҳақ наздида шунча эътибор қозонамиз”, — деган фикр ётарди. Ҳазрат Навоийнинг сўфий хулқ-атворидаги маломатийлик жиҳатига алоҳида эътибор қаратганлигининг боиси, маломатиянинг юқорида кўрсатилгани каби меъёрдан ошган хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш эмас, балки, улардаги камтаринлик, хокисорлик сифатларини намоён этишларини маъқул кўрганидир. Навоий дарвешга хос бўлган фазилатларни санар экан, ҳалқ оғзаки ижоди намунаси бўлган ривоятдан ҳам моҳирона фойдаланади. Дарвешнинг ички дунёси бир хазина бўлса, унинг зоҳири шу хазина яширилган харобадир, – дейди муаллиф. Ижодкор бу ўринда қадимги хукмдорларнинг олтину жавоҳирлари вайроналар ичига кўмилган бўлади, деган ривоятта белги бермоқда. Орифнинг маломаткашлиги – Худодан ва ҳалқдан нима келса уни ризолик билан қабул қилиб, барига сабр қилишида кўринади. Сўфийнинг дунёдан узилиб қолгандай бўлиб қолишининг сабаби, унинг бутун борлиғи билан Мутлақ Рух вужудига сингиб кетганлигидир.

Юқоридагилардан кўринадики, Алишер Навоий тавсифномаси ризо, аноният (манманлик), сафо (кўнгил поклиги), фано, факт, ҳиммат, зоҳир, ботин, сурат, сир, маъно, қазо каби мазмун-моҳиятига кўра бир-бирига мантиқан боғлиқликда ва ўзаро бир-бирини изоҳлаб келувчи тушунчаларга асосланган. Навоий таъбирича, ориф донишманд, билгувчи, Ҳақ маърифатидан боҳабар, том маънода Оллоҳни танигувчи маърифатли кишидир.

Адабиётлар:

1. “Марказий Осиё фалсафий тафаккури тараққиётида тасаввуф таълимотининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида республика миқёсидаги илмий-назарий анжуман материаллари. Бухоро, 2020.
2. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: “Мовароуннаҳр” – “Ўзбекистон”, 2009.
3. Алишер Навоий. МАТ, 14-жилд, 46-47-бетлар.

MASJIDLAR QOSHIDAGI IBTIDOIY MAKTABLAR FAOLIYATI

Gadoyev Dadaxon Xayrulloyevich,

Buxoro davlat universiteti

Tarix va madaniy meros fakulteti o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Markaziy Osiyoda islam dini bilan bir paytda kirib kelgan ibridoiy maktablar bo‘lib, masjid qoshidagi maktablarning qachon paydo bo‘lgani, maktablarning tuzilishi, undagi talim tizmi haqida fikr bildirilgan.

Kalit so‘zlar: Qutayba ibn Muslim, maktab, dasturxon, chorak non, payshanbalik, yoqilg‘ilik, ozodlik, Iydlik, nashraq, janozalik.

Аннотация: В этой статье обсуждается происхождение примитивных школ, пришедших в Центральную Азию одновременно с исламом, появление школ при мечети, структура школ, система обучения в ней.

Ключевые слова: Кутайба ибн Муслим, школа, дастархан, четверть хлеба, четверг, топливо, свобода, Курбан-байрам, нашрак, заупокойная молитва.

Annotation: This article is about primitive schools that came to Central Asia at the same time as Islam, when schools at the mosque appeared, the structure of schools, the system of education in it.

Key words: Kuteiba ibn Muslim, school, dastarkhan, a quarter of bread, Thursday, fuel, freedom, Eid al-Adha, ours, funeral prayer.

Turonzaminda ilm-hunar, madaniyat va falsafiy tafakkur ancha erta shakllangan. Jahon fani va madaniyati rivojiga munosib hissa bo‘lib qo‘shilgan asarlar shu zaminda yaratilgandi hamda arab tilli vositasida dunyoga tarqaldi. Arab tilining, musulmon madaniyatining Turkistonda yoyilishida musulmon maktablarning o‘rni benihoya katta bo‘lgan.

Arablar Markaziy Osiyoni bosib olgach (VIII asr), xalifa masjidlar qoshida maktab ochish haqida fatvo beradi. Ibtidoiy musulmon maktablari Turkistonda masjidlarning qurilishi bilan bir vaqtida vujudga kelgan. Narshaxiyning ma’lumot berishicha Turkistondagi birinchi masjid va ibridoiy maktab hijriy to‘qson to‘rtinchi yili /melodiy 713-yili / Qutayba ibn Muslim tomonidan Buxoro arkida, zardushtiylar ehromi o‘rnida bunyod etilgan⁵². Keyinchalik juda ko‘plab masjidlar

⁵² Abu Bakr Muhammad ibn Ja’far Narshaxiy. “Buxoro tarixi”. T.: “Sharq bayozi” 1993. B 41-42.

технологиялари.....	324
А.А.Гулова. Навоий назидаги комил инсон.....	327
Д.Х.Гадоев. Масжидлар қошидаги ибтидой мактаблар фаолияти.....	332
Б.Х.Каримова. Мехрибонлик уйларининг 1-синф тарбияланувчиларида миллий ғуурни ҳадислардан фойдаланиб шакллантириш имкониятлари.....	336
У.Мамуров. Маҳмуд Торобийнинг миллий озодлик учун курашлари тарихи ҳамда ёшларда ватанпарварлик фазилатини шакллантиришда маънавият ва маърифат тушунчаларининг аҳамияти.....	344
Ҳ.А.Сафоев. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакл ва методлари.....	348
З.Т.Холматова. Таълим жараёнида гендерли ёндашув давр талаби.....	351
М.Умарова. Амир Шоҳмурод даврида (1785-1800) Бухоро Амирлигининг таълим тизимидағи ислоҳотлар.....	354
З.М.Амирқуловая. Тарихий шахслар образида ватанпарварлик хислатларининг акс этиши.....	358
У.А.Бойзақова. Умумий ўрта таълим мактабида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда раҳбар-ходимларнинг ўрни.....	360
Д.Ҳ.Қодиров. Фаззолийнинг ёшларда гўзал ахлоқни тарбиялаш тўғрисидаги қарашлари.....	364
Ж.Ж.Рамазонов. Замонавий таълим жараёнида талаба-ёшларда ўзини ўзи идора қилишнинг ижтимоий-психологик механизмлари.....	367
Э.Т.Рахматов. Таълим фалсафасида нақшбандия таълимотидаги рашҳалардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	373
Ж.А.Юлдашев. Электрон манбаларнинг тарихий тадқиқотлардаги аҳамияти.....	377
И.И.Розиков. Инсонпарварлик тамойилига асосланган жамоатчилик таъсири жазо назариясининг амалиётга татбиқ этилиши асослари ва муаммолари.....	381
З.А.Турахонова. Ижтимоий фанларни ўқитишида музейларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолияти хусусида.....	385
С.А.Жўрақуловая. Таълим-тарбия жараёнида маърифат ва китобхонликнинг ўрни.....	389
О.Бердимуродов. Тарих фанини ўқитишида ҳамкорликда ўқитиш технологиялари.....	393
С. Холиёров. Тарих фанини ўқитишида медиатълимнинг ўрни ва муҳим жиҳатлари.....	397
Б.Холмўминов. Тарих дарсларини замонавий ёндашувлар асосида ташкил қилиш йўллари.....	403
М.С.Шадиметова. Тарих дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш йўллари.....	407
С.Эшбоев. Тарих дарсларида ўқувчилар ижодкорлигини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланиш йўллари.....	412